

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАСТУРИ БЎЙИЧА

2014 йил 30 декабр ҳолатига

Вилоят бўйича 2014 йилда

1 млн 500 минг тонна сабзавот (2013 йилга нисбатан ўсиш 111 фоиз),
531 минг тонна картошка (110 фоиз),
105 минг тонна полиз (117 фоиз),
362 минг тонна мева (120 фоиз),
500 минг тонна узум (107 фоиз),
233 минг тонна гўшт (109 фоиз),
1 млн 6 минг тонна сут (105 фоиз),
971 млн дона тухум (137 фоиз),
1,1 минг тонна асал (184 фоиз),
2 минг тонна балиқ (174 фоиз) **ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.**

Етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ишлатилиши

Вилоят бўйича **2014 йилда ишлаб чиқарилган сабзавот** маҳсулотларидан **502 минг тоннаси** (30,3 фоиз) қайта ишлашга, **50 минг тоннаси** (3 фоиз) экспортга, **963 минг тоннаси** (58 фоиз) аҳоли ички истеъмоли ва вилоятнинг бозорларига, **94 минг тоннаси** Тошкент шаҳри бозорлари учун ишлатилди,

полиз маҳсулотларининг 5 минг тоннаси (4 фоиз) экспортга, **107 минг тоннаси** (85 фоиз) аҳоли ички истеъмоли ва вилоят бозорларга, **7 минг тоннаси** (5,2 фоиз) Тошкент шаҳри бозорларига,

меванинг 146 минг тоннаси (33 фоиз) қайта ишлашга, **25 минг тоннаси** (5,6 фоиз) экспортга, **233,4 минг тоннаси** (52,7 фоиз) аҳоли истеъмоли ва вилоятнинг бозорларига, **33 минг тоннаси** (7,3 фоиз) Тошкент шаҳри бозорларига;

узумнинг 113 минг тоннаси (21,1 фоиз) қайта ишлашга, **12 минг тоннаси** (2,2 фоиз) экспортга, **354 минг тоннаси** (66 фоиз) аҳоли истеъмолига ва вилоятнинг бозорларига, **54 минг тоннаси** (10 фоиз) Тошкент шаҳри бозорларига,

гўштининг 65 минг тоннаси (26 фоиз) қайта ишлашга, **188 минг тоннаси** (74 фоиз) аҳоли истеъмоли ва бозорларга,

сутнинг 411 минг тоннаси (38 фоиз) қайта ишлашга, 657 минг тоннаси (62 фоиз) аҳоли истеъмолига ишлатилиши аниқ белгиланган.

Етиштирилган маҳсулотларнинг вилоят аҳолиси талабидан ортиқча ва етишмаслиги бўйича

2014 йил 1 январь ҳолатига вилоят аҳолиси 3,4 млн кишини ташкил қилиб, медицина меъёрларидан келиб чиқиб вилоят аҳолисининг **сабзаёт маҳсулотларига бўлган бир йиллик эҳтиёжи 392 минг тоннани** (бир кишига 114 кг), **картошка 173,6 минг тоннани** (бир кишига 50,4 кг), **полиз маҳсулотлари 70 минг тоннани** (бир кишига 21 кг), **мева 194 минг тоннани** (бир кишига 55 кг), **узум 47,8 минг тоннани** (бир кишига 14 кг), **гўшт 137,7 минг тоннани** (бир кишига 40 кг), **сут 482 минг тоннани** (бир кишига 140 кг), **тухум 417 млн донани** (бир кишига 121 дона) ташкил этади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, вилоят бўйича **сабзаёт маҳсулотлари 1 млн 254 минг тоннага** (3 баробарга), **картошка 413 минг тоннага** (2,3 баробарга), **полиз 51 минг тоннага** (2 баробарга), **мева 250 минг тоннага** (2 баробарга), **узум 487 минг тоннага** (10 баробарга), **гўшт 112 минг тоннага** (1 баробарга), **сут 574 минг тоннага** (1 баробарга), **тухум 725 млн донага** (2 баробарга) аҳоли талабига нисбатан кўп етиштирилиши кутилмоқда.

2015 йилда озиқ овқат маҳсулотларини етиштириш бўйича

1 млн 657 минг тонна сабзаёт (ўтган йилга нисбатан ўсиш 110,5 фоиз),
592 минг тонна картошка (ўсиш 111,3 фоиз),
125,3 минг тонна полиз (ўсиш 119,1 фоиз),
443 минг тонна мева (ўсиш 122,4 фоиз),
536 минг тонна узум (ўсиш 107,2 фоиз),
253.6 минг тонна гўшт (ўсиш 108,8 фоиз),
1 млн 69 минг тонна сут (ўсиш 106,2 фоиз),
1 млрд 153 млн дона тухум (ўсиш 118,7 фоиз),
2,2 минг тонна асал (ўсиш 196,4 фоиз),
4,4 минг тонна балиқ (ўсиш 225,4 фоиз) ишлаб **чиқарилиши бўйича тизимли аниқ дастур ишлаб чиқилган.**

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА

Самарқанд вилоятида 2014 йил давомида ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган тадбирлар

2014 йил 20 декабрь ҳолатига кўра

Мелиорация тадбирлари							
Тадбирлар	Дастур бўйича режа			Амалда			
	Лойиҳа сони	км	Маблағи (млн сўм)	Лойиҳа сони	км	Маблағи (млн сўм)	фоиз
Таъмирлаш-тиклаш	13	465,3	4502	13	465,3	4502	100
Реконструкция ва қуриш	6	16,0	1938	6	16	1938	100
жами	19	481,3	6440	19	481,3	6440	100

Дастурга киритилган таъмирлаш ва тиклаш ҳамда реконструкция қилиш ва қуриш ишларининг тўлиқ бажарилиши натижасида **вилоят бўйича 13264 гектар суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшиланишига имкон яратилади** (*Булунғурда 424 гектар, Жомбойда 971 гектар, Иштихонда 1358 гектар, Каттақўрғонда 1321 гектар, Нарпайда 1858 гектар, Нурободда 259 гектар, Оқдарёда 849 гектар, Пастдарғомда 1509 гектар, Пахтачида 886 гектар, Пайариқда 2726 гектар, Самарқандда 332 гектар, Тайлоқда 553 гектар, Ургутда 218 гектар*).

2015 йил Давлат дастурига қуйидаги мелiorатив тадбирлар киритилган

Тадбирлар	Дастур бўйича режа		
	Лойиҳа сони	км	Маблағи (млрд сўм)
Таъмирлаш тиклаш	16	593	6
Реконструкция ва қуриш	11	56,4	3,6
Жами	27	649,4	9,6

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА

2014 йилда чорвачилик соҳасида жами **59** млрд **226** млн сўм, шундан **20** млрд **126** млн сўми банк кредити ва **39** млрд **100** млн сўми тадбиркорлар ўз маблағи ҳисобига **368** та лойиҳа ишга туширилди ва **1778** та қўшимча иш ўрни яратилди.

Қорамолчилик соҳасида: 2014 йилда вилоятда қорамолчилик соҳасида **140** та лойиҳага асосан **3306** бош қорамол олинди (105 фоиз), бунинг учун жами **28** млрд **387** млн сўм, шундан **13** млрд **873** млн сўм банк кредити (**171** фоиз), **14** млрд **514** млн сўм ўз маблағи ҳисобидан ажратилди ҳамда амалга оширилган лойиҳалар томонидан **178** тонна гўшт, **2122** тонна сут ишлаб чиқарилди, **569** нафар фуқароларга (**103** фоиз) қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Паррандачилик соҳасида

2014 йилда вилоятда паррандачилик соҳасида **63** та лойиҳага асосан **1** млн **515** минг бош парранда олинди (101 фоиз), бунинг учун жами **27** млрд **858** млн сўм, шундан **5** млрд **973** млн сўм банк кредити, **21** млрд **885** млн сўм ўз маблағи ҳисобидан ажратилди ҳамда амалга оширилган лойиҳалар томонидан **900** тонна парранда гўшти, **3.9** млн дона тухум етиштирилди, **516** нафар фуқарога қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Балиқчилик соҳасида: **61** та лойиҳага (103 фоиз) асосан **130** гектар сув хавзасида балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил этилди, бунинг учун жами **2** млрд **909** млн сўм, шундан **390** млн сўм банк кредити, **2** млрд **519** млн сўм ўз маблағи ажратилди, бунинг натижасида **301** та янги иш ўринлари яратилди.

Асаларичилик соҳасида: **56** та лойиҳага (105 фоиз) асосан **2693** қути асалари оилалари олинди (103 фоиз), ҳамда бугунги кунга қадар **48** тонна асал маҳсулотлари етиштирилди (103 фоиз) ва **185** нафар фуқароларга қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Интенсив боғ ташкил этиш бўйича: Вилоятда 2014 йилда **982** гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиялари асосида интенсив мевали боғлар ташкил этиш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **2.5** млн дона кўчат экилиб, **1148** гектар ёки режага нисбатан **117** фоиз майдонда интенсив боғлар ташкил этилди, ушбу ишларга **43.3** млрд сўм пул маблағлари сарфланди, шундан **8.2** млрд сўми банк кредити, **35.1** млрд сўми ўз маблағи ҳисобланади, **722** та янги ишчи ўринлари яратилди.

Янги тоқзорлар ташкил этиш бўйича: Вилоятда жорий йилда **1371 гектар** майдонда янги тоқзорлар барпо этиш режаси **107 фоизга бажарилди** ёки **1463 гектар** майдонда янги тоқзорлар барпо этилди. Ушбу ишларга **8,2 млрд сўм** пул маблағлари сарфланиб, **1,9 млн дона** тоқ кўчатлари экилди, шундан **720 гектари интенсив**, шпаллерга тортилган тоқзор ҳисобланади.

Экилган **1463 гектар** тоқзорларнинг **225 гектари** хўраки, **696 гектари** кишмишбоп, **542 гектари** саноатбоп навларни ташкил этади, амалга оширилган ишлар натижасида **2927 нафар** киши доимий янги иш жойлари билан таъминланди.

2015 ЙИЛ ДАСТУРИ БЎЙИЧА

2015 йилда вилоятда чорвачилик соҳасида **547 та** лойиҳага (2014 йилга нисбатан 179 тага кўп) асосан жами **93 млрд сум**, шундан **36,6 млрд сўм** банк кредити ва **56,4 млрд сўм** тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш ҳамда **2100 нафар** янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Шу жумладан:

қорамолчилик соҳасида: **253 та** лойиҳага (2014 йилга нисбатан 113 тага кўп) асосан **6300 бош** қорамол олиш, бунинг учун жами **55,2 млрд сум**, шундан **27 млрд сум** банк кредити ва **28,2 млрд сўм** тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш ҳамда амалга ошириладиган лойиҳалар томонидан **1058 нафар** фуқароларга янги иш ўринлари яратиш;

паррандачилик соҳасида: **69 та** лойиҳага (2014 йилга нисбатан 6 тага кўп) асосан **1460 минг бош** парранда олиш, бунинг учун жами **26,7 млрд сум**, шундан **7,7 млрд сум** банк кредити ва **19 млрд сўм** тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар томонидан **395 нафар** фуқароларга янги иш ўринлари яратиш;

балиқчилик соҳасида: **65 та** лойиҳага (2014 йилга нисбатан 4 тага кўп) асосан **138 гектар** сунъий сув ҳавзалари ташкил этиш, бунинг учун жами **3097 млн сум**, шундан **398 млн сўм** банк кредити ва **2649 млн сўм** тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар томонидан **262 нафар** фуқароларга янги иш ўринлари яратиш;

асаларичилик соҳасида: **60 та** лойиҳага (2014 йилга нисбатан 4 тага кўп) асосан **3134 қути** асалари оилалари олиш, бунинг учун жами **1761,2 млн**

сум, шундан 226 млн сум банк кредити ва 1535,2 млн сўм тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар томонидан 147 нафар фуқароларга янги иш ўринлари яратиш;

қўйчилик ва эчкичилик соҳасида: 100 та лойиҳага (2014 йилга нисбатан 52 тага қўп) асосан 10,2 минг бош қўй ва эчкилар олиш, бунинг учун жами 6,3 млрд сум, шундан 1,3 млрд сум банк кредити ва 5 млрд сўм тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар томонидан 235 нафар фуқаро учун иш ўрни яратиш бўйича лойиҳа эгалари аниқланган;

музхона қуришда: 12 та лойиҳага асосан 5300 тонналик музхона қуриш, бунинг учун жами 6 млрд 180 млн сўм, шундан 1 млрд 760 млн сўм банк кредити ва 4420 млн сўм тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида 104 нафар фуқарога иш ўрни яратиш белгилаб олинди;

иссиқхона қуришда: 21 та лойиҳага асосан жами 7 млрд 749 млн сўм, шундан 3 млрд 753 млн сўм банк кредити ва 3 млрд 996 млн сўм тадбиркорларнинг ўз маблағини ажратиш, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида 273 нафар фуқароларга янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди.